



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (11.772)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чоратадбирлар самарасида янги иш ўринлари яратилиб, соҳанинг иқтисодиётимиздаги улуши сезиларли равишда ошмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида юртимизда хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 11,2 фойзни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши ҳадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги карори бу борада муҳим дастурламал бўлмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 марта «Инкроверга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурни сўсиз бажарни борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида» ги Карорини бажаришнинг бориши ҳакида» 2009 йил 5 декабрда Карорининг ижро этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакилларини кечиртиришга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, бир қатор вилоят халқ депутатлари Кенгашлари доймий комиссияларининг раислари, айrim халқ депутатлари туман ва шахар Кенгашларининг раислари, Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари катнашдilar.



ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шахар ҳокимлигигина Ахборот хизмати ва ўз мухифларимиз бағишиларидан.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Қарор ва ижро

АВТОМОБИЛЬ СОЗ – КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ

Шу жараёнда автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхона ва шоҳбочаларга бўлган талаб ҳам ошмоқда. Зеро, ахоли узогини якин қўлувчи автомобилларнинг техник созлиги хавфиси ҳаракат гаровидир. Юртимизда барча турдаги транспорт воситалари

га техник хизмат кўрсатувчи кенг тармоқи инфратузилма яратилган. Мазкур шоҳбочалар жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий таъмирилаш усувларни ва вositалari билан таъминланган.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансип 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова билан учрашди.

ЭСТОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Эстония олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашиди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этдилар. Бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилидилар.

Ўзбекистон – изчил ривожланётган давлат, – деди Андрус Ансип.

Биз мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ҳажми йил сайн, ўсиб бораётганига ҳавас билан қараймиз. Ўзбекистон – табиий ресурсларга бой мамлакат. Ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболи порлок. Эстонияда Ўзбекистонин Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий ва ҳамиша навқирон шахарларини яхши билишади. Мамлакатларимиз ўртасида сайдёхлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам катта самаралар бершига ишонамиз.

Эстония Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Учрашуда иккى томонлама муносабатларнинг ҳукукий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик мухим аҳамиятни касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилидилар.

Эстония Республикаси Бош вазири А. Ансип шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Эстония ўртасида савдо-иктисодий, сармоявий, иммий-техникий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларини муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ – ТОШКЕНДА!

Аргентинанинг Креспо шахрида жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси мамлакатимиз шарафини муносаб ҳимоя қилиб, кетма-кет иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси юртимизга қайтиб келди.

Тошкент ҳалқаро аэропортида Ўзбекистон спорт делегациясини тегиши вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мухислар тантанали кутуби олди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояига муҳтоҳ катламларига моддий ва маънавий

ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама кўйлаб кувватлаш, жисмоний тарбия ва спорт орқали жисмоний имкониятларни чекланганлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашшига алоҳида ўзбек таътилларида яхши билишади. Жисмоний имкониятни чекланганлар ва ногиронлар ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирок этиб, Ватанимиз разваник ўйлида хизмат кильмоқда.

(Давоми 4-бетда)

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманинг 274-мактабда Ҳалқ таълими боз бошқармаси томонидан бошлангич таълим самарадорлигини оширишида интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш масалаларига бағишилган семинар ташкил этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институтида иқтидорли қизлар ўртасида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Яккасарой туман босқичи ўтказилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишилган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи мазмун-мөхиятига бағишилган тадбир ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йигилиши бўлиб ўтди. Унда аддия идораларининг жорий йил тўққиз ойи давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб этилиб, келгусида килиниши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

• Жорий йилнинг тўққиз ойида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва галдаги устувор вазифаларга бағишилган фаоллар йигилиши бўлиб ўтди.

• Қарши санъат коллежида «Янги авлод-2010» республика болалар ижодиёти фестивалининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Кўнғирот сода заводининг доимий мижозлари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Корхонада жорий йилда 90 минг тонна юқори сифатли кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш мўлжалланган бўлиб, шу кунга қадар 71 минг тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлашга эришилди.

• Термиз шахрида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси мавзууда бўлиб ўтди.

• Самарқанд шахрининг «Аэропорт» маҳалласида янги «Афросиёб» спорт саройи фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсатларда спортчилар учун 30 ўринли меҳмонхона, машгулут зали, сузиш ҳавзаси бунёд этилди.

ЖАҲОНДА

• Франция парламентининг куйи палатаси кўп миллионли ҳалқнинг норозилик намойишларига, иш ташлашларига ва тартибсизликларига сабабчи бўлган, хукумат томонидан илгари сурилган пенсия ислоҳоти тўғрисидаги конун лойиҳасини кўпчилик овоз билан маъқуллаб овоз берган бўлса, 233 нафари қарши чиқди.

• Таиландда 10 октябрдан бери сув тошқини ҳукм сурмоқда. Расмий маълумотларга кўра, шу кунгача 94 киши ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг кўпчилиги болалардир. Минглаб уйлар бутунлай сув остида колди. Умумий хисобда 4,2 миллион киши сув тошқинидан жабр кўрди. 650 минг гектар экин майдони яроқсиз ҳолга келди.

• Ироқ Олий суди 26 октябрь куни собиқ бош вазир ўринбосари, Саддам Ҳусайннинг ўнг кўли бўлган Тарик Азизни дорга осиш йўли билан ўлим жазосига махкум этди. Махкумнинг қариндош-уруғлари билан учрашви тақиқлаб кўйилди. Шу боис 74 ёшли Т. Азиз норозилик билдириб, очлик эълон қилди, дея ҳабар беради «France Presse» АА.

• АҚШнинг «Appie» корпорацияси телекоммуникация маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Motorola» компанияси судга берди. Бунга «Motorola»нинг «Appie» технологияларидан ноконуний равишда фойдалангани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

• Ироқ пойтахти Бағдод шахрида жангаришлар томонидан гаровга олинган черковни озод қилиш жараёнида ўнлаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди. Махсус операция давомида 37 киши ҳаётдан кўз юмган, 56 киши турли даражада тан жароҳати олган.

